



Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

30
(775)-son

27-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Emporia компанияси фақат ёши улуг инсонлар учун мўлжалланган махсус телефон (Day Emporia Life) чиқарди.

Аппарат "слайдер" асос-кўринишида ясалган бўлиб, деярли ҳеч қандай замонавий янгиликлар билан бойитилмаган. Аммо тўқ сариқ ёнувчи 2,7 дюймли осон ўқиладиган монохром дисплей, йирик тугмалар, баланд динамик овоз ва кучли вибротизим кексаларга қулайлик туғдириши тайин.

Бундан ташқари, телефондан 5та шошилиш ёрдам хизматини чақириб мумкин. Корпусининг орқа қисмига кутқарув хизматини чақириб учун махсус қизил тугма ўрнатилган.



Ушбу сонда:

**ҲУКУМАТ ВА
ЖАМИЯТДА
АКТНИ ҚЎЛЛАШ**

2-БЕТ ➔

**ҲАМКОРЛИК
УФҚЛАРИ**

5-БЕТ ➔

**САМЫЙ
БЫСТРЫЙ И
ДЕШЕВЫЙ
ИНТЕРНЕТ**

6-БЕТ ➔

**ВЕНГРИЯ
ПОЧТАСИ**

11-БЕТ ➔

САНЪАТКОР

16-БЕТ ➔

Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури амалда

САМАРҚАНД шаҳрига саёҳат



Ҳозирги вақтда бутун дунё диққат-эътибори қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига қаратилган десак, муболага бўлмайди. Чунки бу кўҳна шаҳар ўзининг табарруқ 2750 йиллигига ҳозирлик кўряпти. Яқинда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Сирдарё Телеком" филиали маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг ташаббуси билан 100 нафар алоқа ходими Самарқанд шаҳрига йўл олди.


3-БЕТ ➔



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетни


JUMADAN — JUMAGACHA

- ☑ **Матбуотда “Н.Кучерскийни “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори чоп этилди.**
- ☑ **Матбуотда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари эълон қилинди.**
- ☑ **Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Республика ҳарбий суди томонидан “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уни амалиётда қўллаш тартибига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари — ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.**
- ☑ **Самарқандда шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган ашула ва рақс дасталарининг кўрик-фестивали бўлиб ўтди.**
“Самарқанд садолари” деб номланган ушбу кўрик-фестивалда Фарғона вилояти Кува тумани “Анор” дастаси олий ўринни, Пастдаргом туманининг “Даргом тароналари” ва Бойсуннинг “Шаллола” дасталари биринчи ўринни эгаллади.
Самарқанд шаҳрини мадҳ этувчи “Энг яхши кўшиқ ижрочиси” номинацияси бўйича бойсунлик хонанда Умиджон Туронов ғолибликни қўлга киритди.
- ☑ **Қорақалпоғистон Республикасининг овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари замонавий информатика ускуналари билан жиҳозланмоқда.**
Яқинда Қангликўл туманидаги тўртта милиция таянч пунктига энг сўнгги русумдаги компютерлар ўрнатилди.
Жами 100та милиция таянч пункти компютерлар билан жиҳозланиши режалаштирилган.
- ☑ **Тошкентда 24 июл куни “Жиноят ҳуқуқи қонунчилигини либераллаштириш ва унинг инсонийлик тамойилларини кучайтиришнинг концептуал масалалари — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари” мавзуда халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.**
Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг, суд-ҳуқуқ тизими мутахассисларининг маърузалари тингланди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.
- ☑ **Айни кунларда Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида «Ижтимоий ҳимоя йили давлат Дастури» доирасида Ногиронлик масалаларига бағишланган ахборот-ресурс маркази иш бошлади.**
Янги марказнинг мўъжазгина залига психология, тиббиёт, педагогика, таълим йўналишлари бўйича 400дан зиёд китоблар, адабиётлар, қўлланмалар қўйилган. Бунашрларнинг барчаси у ёки бу даражада ақлий, жисмоний қобилиятлари чекланган, болалиқдан ногирон кишиларга жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашади, ахборот технологиялари тизими билан яқиндан танишиш имконини беради.

Ҳукумат ва жамиятда АКТни қўллаш

ХУДДИ ШУ МАВЗУДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА ТРЕНИНГ-КУРС ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ушбу тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда БМТ Ривожланиш Дастурининг “Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига кўмак” лойиҳаси томонидан ташкил этилди.



Ушбу курснинг мақсади давлат хизматчиларининг давлатни бошқариш ва жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг турли йўналишлари ва жаҳон тенденциялари билан боғлиқ билимларини ошириш, уларда Ўзбекистонда электрон ҳукумат барпо этишга қаратилган амалий кўникмалар ҳосил қилиш, шунингдек курс иштирокчилари ўзаро таъриба алмашиши учун имконият яратишдан иборатдир.

Тренингда вазирлик ва идораларнинг қарийб 30 нафар вакили иштирок этмоқда. Ўқув жараёнига Ўзбекистонда электрон ҳукумат компонентларини жорий этиш бўйича амалий таърибага эга бўлган етакчи тармоқ экспертлари жалб этилган. Тингловчилар амалий вазифаларни ҳал қиладилар ва бу, ўз ўрнида, уларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш ҳамда мустақамлаш имконини беради.

Ушбу курс БМТ Ривожланиш Дастури томонидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда ташкил этилган тренинг-курсларнинг мантиқий давомидир. Биргаликдаги тренинг-курслар ўтказиш гоёси 2003 йили туғилган эди.

2004 йилдан бошлаб БМТ Ривожланиш Дастури билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг вакиллари учун бир қанча тренинг-курслар ўтказилди. Бунда Эстония Электрон бошқарув академиясидаги тренингларда Ўзбекистон томонидан қатнашган АКТ соҳасининг мутахассислари маърузалар қилдилар.

Тингловчиларнинг қизиқиши кучлиги ва улар курсларда фаол қатнашгани бундай тадбирлар ахборот технологиялари оммалаштишига ижобий таъсир кўрсатётганини ҳамда давлат муассасаларида турли АКТ ташаббусларини жорий этиш учун рағбатлантирувчи муҳит яратётганини тасдиқлади.

Тренинг-курснинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, БМТ Ривожланиш Дастури менежери С.Сайидхўжаев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаевлар қутлов сўзлари билан қатнашдилар.

Тренинг ўз ишини 28 июлга қадар давом эттиради.

Элбек ДОЛИМОВ

SEMINAR

Гибрид почта ва интернет-кафе

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти мажлислар залида «Гибрид почта хизматини ташкил этиш» ва «Интернет-кафеларда кўрсатилаётган хизмат турларини ривожлантириш» мавзуда ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда жамият таркибидаги филиалларнинг ахборот технологиялари мутахассислари ва тармоқ маъмурлари иштирок этишди.

Мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2005 йил 19 майдаги «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини босқичма-босқич бажариш юзасидан ташкил этилди.

Ушбу ўқув семинарини ўтказишдан мақсад, жамиятнинг барча почта алоқаси тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантиришдир. Тадбир сўнгги зарур тавсиялар берилди.

Иззат АҲМЕДОВ

IJTIMOIIY HIMOYA YILI DAVLAT DASTURI AMALDA

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

— Мақсад, — деди биз билан суҳбатда вилоят бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Улуғбек Таниқуллов, — мустақил ватанимизнинг тарихий шаҳарлари, унутилмас осориатқалари ва буюк аждодларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас жойларни зиёрат қилиш эди. “Сирдарё Телеком” филиали раҳбари Анвар Ағалиев бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва бир гуруҳ алоқа ходимлари заминимиз сайқали Самарқанд шаҳрини томоша қилиш, буюк боболаримиз Имом ал-Бухорий мақбараси, Соҳибқирон Амир Темур бунёд эттирган тарихий обидаларни зиёрат этиш бахтига муяссар бўлдилар.

Биз Улуғбек Таниқулловдан саёҳатга борувчилар танланаётганда нималарга эътибор берилгани ҳақида сўрадик.

— Аввало, тармоқда беш йилдан ортқ ишлаган, бирор марта ҳам танбех ёки ҳайфсан олмаган, пенсия ёшига яқинлашиб қолган ҳамда кам таъминланган, шунингдек, охириги бир йил давомида интизомий жазо чоралари қўлланилмаган ишчи-ходимлар жойлардаги цех касаба уюшма ташкилотларининг умумий йиғилишларида танланди, — деди кўмита раиси. — Мазъулиятли бу масалага бундай оқилона ёндашиш ҳеч қимда ортққа эътирозларга ўрин қолдирмади.

Самарқанд шаҳрига саёҳат аввалги Челақ, ҳозирги Пайариқ тумани ҳудудида жойлашган Ҳўжа Исмоил ал-Бухорийнинг мақбарасини зиёрат этишдан бошланди. Сирдарёлик алоқа ходимлари мақбара мутасаддиларининг маъруза ва ҳикояларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Бобомиз руҳларига ҳамда мустақил юртимизда тинчлик-осойишталик, файзу барокот бўлишини тилаб, Қуръон тиловат қилинди.

— Юртимизда қадимий зиёратгоҳларни, муқаддас

қадамжоларни обод қилишга алоҳида эътибор берилмоқда, — деди Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси Шўҳрат Сиддиқов. — Аждодлари руҳини шод этаётган юртдан ҳеч қачон кут-барақа аримайди. Кучимизга куч, гайратимизга гайрат кўшилиб, юртимиз равнақи йўлида янада

Самарқандга саёҳат ва тарихий қадамжолар — Мирзо Улуғбекнинг таърифи оламга ёйилган машҳур расадхонаси, соҳибқироннинг руҳий устозига бағишлаб қурдирган “Рухобод” обидаси, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним ёдгорликлари ҳар бир сирдарёлик саёҳатчида бекиёс фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди. Сўрама-

хато қилган...

Дунё кенг, қаерлардадир одамлар ибтидоий ҳаёт кечираётганида, бизнинг боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганларидан фахрланмай бўладими?!

Саёҳат давомида вилоят алоқа ходимлари — Барчиной Умарова, Тоҳир Турдалиев, Эмма Цой, Нурия Абдурасулова, Шароф

Самарқанд шаҳрига саёҳат



юксак самара билан ишлаймиз, халқимизга янада сифатли алоқа хизмати кўрсатаверамиз.

Саёҳатчилар дунёга донғи кетган Регистон майдонида ҳам бўлишди. Майдон нафақат ватандошларимиз, балки узоқ ва яқиндан келган хорижий меҳмонлар билан ҳам гавжум. Пуриқор Мирзо Улуғбек, салобатли Шердор, бетақрор Тиллақорий мадрасалари сирдарёлик алоқачиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мажмуасига ташриф янада ҳаяжонли бўлди. Саёҳатчилар мажмуа мутасаддиларининг ҳикояларини берилиб тингладилар. Уларда жуда катта қизиқиш ва гурур ҳис-туйғулари уйғонгани кўзга яққол ташланиб турарди.

сак-да, бу ҳис-ҳаяжон, гурур ва фахр уларнинг юзларидан балқиб турарди.

— Самарқанд шаҳрига биринчи марта келишим, — деди Янгиер шаҳар телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси Ҳўтамжон Шерқўзиев. — Қаранг-а, орадан 500 йилдан ортқ вақт ўтибдики, бу обидалар бутун дунёда кезис ҳайрат уйғотиб келяпти. Айниқса, Улуғбек расадхонасини олайлик. ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майор расадхона билан танишаётганда Президентимизга айтган гапи ёдимда қолган: “Ҳозирги замонавий компьютерларимиз маълумотларини берилиб тингладилар. Уларда жуда катта қизиқиш ва гурур ҳис-туйғулари уйғонгани кўзга яққол ташланиб турарди.

Бунга жавобан Юртбошимиз шундай деган эдилар: — Йўқ, жаноб Майор, Улуғбек янглишмаган, Сизнинг компьютерларингиз

Баротов, Султон Аҳмедов, Лазизбек Аҳмаджонов, Гулнора Темирова, Татьяна Аксёнова, Абдукарим Нурмухамедовлар ҳам таассуротлари ҳақида тўқинланиб гапиришди.

Саёҳатни уюштиришда ҳомийлик қилган “Сирдарё Телеком” филиали ҳамда унинг “Алоқа-Сервис” бўлими соҳадан пенсияга чиққан 4 нафар фахрийни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Улардан бири Бегали Шодмонов ўз фикрини шундай баён этди:

— “Сирдарё Телеком” филиали раҳбарияти ва касаба уюшмамиз кўмитасининг ибратли бу тadbири бизни жуда мамнун қилди. Мазкур саёҳат мустақиллигимизнинг 16 йиллиги тўйи олдидан биз учун муносиб совға бўлди. Бунинг учун ташкилотчиларга чуқур миннатдорлик билдираимиз.

Бу тadbир вилоятда амалга оширилаётган саховатли ишларнинг сўнгисини эмас. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан яна қўллаб-тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги шарафига ва Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган бошқа алоқа корхоналари ва ахборот-кутубхонасида меҳнат қилаётган яна 100 нафарга яқин касаба уюшма аъзоларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати режалаштирилган.

Пиримқул ДўСТМАМатов Сирдарё вилояти

САХОВАТ

“Ўзбектелеком” АКнинг “Навоий Телеком” филиалида “Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури” асосида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, дастурнинг “Елғиз пенсионерлар ва ногиронларни телефон алоқаси билан таъминлаш даражасини ошириш тўғрисида”ги 87-бандини бажаришга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи ногиронлардан беш нафари филиал телефон хизматидан баҳраманд бўлди. Бу билан йиллик 4,9 миллион сўмлик режанинг 50 фоизи бажарилди.

— Етти йилдан буён иккинчи гуруҳ ногирониман, — деди Маҳмуд Курбанов. — Авваллари соғлигим ёмонлашиб қолса, “Тез ёрдам” чақириш учун болаларни қўшниларникига югуришарди. Дард эса сўраб келмайди, вақт-соати билмайди. Базван ярим тунда телефон керак бўлиб қолса, қўшнларнинг оромини бузишдан хижолат бўлардик. Мана, Ижтимоий ҳимоя йилида бизнинг ҳам кўп йиллик орзуимиз ушалди. Бепул телефон рақамига эга бўлдик. Бундай саховатдан бошимиз кўкка етди.

Дарҳақиқат, телефон алоқаси хизматларига муҳтож пенсионер ва ногиронларнинг хонадонларига хайрли йил шарофати билан бепул телефон ўрнатилиши уларнинг оила аъзолари ҳаётидаги чинакам қувончли воқеалардан бири бўлмоқда. Филиалда бу каби хайрли ишлар давом эттириляптир.

Маруса ҲОСИЛОВА, “Хабар”нинг Навоий вилоятидаги муҳбири

ҲИҚМАТ



Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиалида “Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури” ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Филиалда бу йўналишда биринчи навбатда кам таъминланган, қаровчисини йўқотган ва яқка-ёлғиз пенсионерлар, соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган муътабар отахон ва онахонлар, шунингдек Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижтимоий ҳимоя тadbирлари учун филиал ва шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари ҳисобидан жами 3446,4 минг сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, соҳа ходимлари фарзандларининг оромгоҳда мароқли дам олишлари учун 1137,5 минг сўм маблағ харажат қилинди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан ходимлар доимий шуғулланишлари учун филиал ҳамда шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари стол тенниси,


шаҳмат, шашка ва бадминтон жамламалари билан тўлиқ таъминланди.

Яқинда эса Наманган шаҳар почта алоқаси тармоғида салкам 30 йил давомида оператор вазифасида ишлаб келаётган иккинчи гуруҳ ногирони ЗаҳроТошбоевага филиал томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, бир бош қорамол олиб берилди. З.Тошбоеванинг оила аъзолари бундай саховат учун ўз миннатдорликларини изҳор қилишди.

Бу каби меҳр ва мурувват ишлари бундан буён ҳам давом эттирилади. Зеро, ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида хизмат қилавереди.

Абдусамат МАМАДИЕВ, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали обуна бўлими бошлиғи

Меҳр-оқибат бор бўлсин!



АНГЛИЯДА ТАБИЙ ОФАТ



Англиянинг марказий ва ғарбий графликларидagi Темза ва Северн дарёлари тинимсиз ёғаётган қаттиқ жала оқибатида ўзанидан тошиб кетди. Бунинг натижасида икки дарё бўйларида яшовчи аҳоли кучли сув тошқинларидан азият чекмоқда. Бундай ҳолат охириги 60 йилда биринчи марта кузатилмоқда.

Сув тошқинлари электр ва сув тармоғига жиддий зарар етказди. Биргина Глостершир графлигидаги 420 минг нафарга яқин аҳоли ичимлик суви ва электр энергия таъминотидан узилиб қолган. Синоптикларнинг маълум қилишича, кучли жала яна бир неча кун давом этиши мумкин.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Сидней шаҳрида ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда баёнот берган АҚШ президенти ОИТСга қарши курашиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Энтони Фаучи шифокорлар дунёда ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга улғура олмаётганини ҳамда бу курашда маълум натижаларга эришилган бўлса-да, мазкур вирусни юқтираётганлар сони ўсишда давом этаётганлиги ҳақида гапирди.

Конференцияда дунёнинг 150 мамлакатидан 5 минг нафарга яқин делегат иштирок этди.

“ХАМАС” РОЗИЛИК БИЛДИРДИ



“Хамас” ҳаракати гарчи Буюк Британия собиқ бош вазири Тони Блэрнинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакил этиб тайинланганига қарши чиққан бўлса-да, у билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Тони Блэр минтақадаги вазиятни яхшироқ ўрганиш мақсадида ҳафта бошида Иорданияга келди ва сўнгра Куддус шаҳрига борди.

АЙДАХОДА ЁНҒИН

“CNN” телеканалининг хабар беришича, Айдахо штатининг жанубий ҳудудлари ўрмонзорларидаги ёнғин 24 соат ичида 300 квадрат километрга тарқалди. Ёнғин АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари базасига таҳдид солмоқда. Мазкур база вакили маълумотга оидинлик киритишни рад этди. Ушбу ҳарбий базада Ироқ ҳамда Афғонистонга юбориладиган учувчилар синов машқларини бажаришда.



«Хабар» газетасининг 2007 йил, 13 июлдаги 28 (773)-сонида «Дўппини ерга қўйиб...» рўқни остида асосиз ёзилган шикоят хати ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Давлат алоқа инспекциясига ҳам худди шунга ўхшаш ҳеч бир асосга эга бўлмаган, аноним шикоят хатлари келиб туради. Қуйида аноним мурожаатлар хусусида баъзи фикр-мулоҳазаларимизни газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Аноним мурожаатлар кимга керак?

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, давлатимизнинг барча фуқаролари сўз эркинлигидан фойдаланиш, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга. Лекин айрим ҳолларда давлатимизнинг мавжуд қонунларига риоя қилмасдан ҳамда бу ҳуқуқ ва эркинликларни суистеъмол қилган ҳолда раҳбарлар ва ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият юритишига халақит бериб, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар келтираётган фуқаролар учраб турибди.

Бундай салбий ҳолатлар юзасидан Давлат алоқа инспекциясига келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинганда аноним тусидаги мурожаатлар сони 2005 йилда 7, 2006 йилда 15 ва 2007 йилнинг 1 июл ойи ҳолатига Этага етганлиги ачинарли ҳолдир. Масалан, Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Гагарин кўчасида ва Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан кўрғонига истикомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар номидан мурожаат юборилган. Уларнинг манзили тўлиқ кўрсатилмаганлиги сабабли фуқаролар йиғинидан фамилиялари келтирилган фуқаролар аниқлиниб суриштирилганда, улар умуман мурожаат қилмаганликларини билдиришган. Шунга ўхшаш ҳолат Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Пабло Неруда кўчасида яшовчи фуқаролар номидан келган мурожаатни ўрганиш жараёнида ҳам аниқланди. Мурожаат

жойига чиқиб, ўрганилганда мурожаатда фамилиялари келтирилган фуқаролар ушбу манзилда истикомат қилмасликлари маълум бўлди. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Ўрикли қишлоқларидан фуқаро Э.Жалиловнинг мурожаати ўрганилганда, Ўрикли номи билан юриштиладиган қишлоқ мавжуд эмаслиги аниқланди.

Энг ачинарлиси шундаки, мурожаатларни ўрганиш учун масъул ходимларни жалб қилиш ва уларни хизмат сарфларига юбориш учун вақт ва моддий маблағлар бекорга сарфланмоқда, яъни тегишли корхона ва назорат органлари ходимларининг қимматли вақтлари аноним ҳужжатларни ўрганиш, амалда мавжуд бўлмаган мурожаатчилар билан учрашиш ҳамда ёлгон маълумотларни текширишга кетмоқда. Бундан ташқари, мурожаатларни ўрганиш жараёнида фамилиялари келтирилган шахсларнинг кўрсатилган манзилларда яшамаслиги ёки уларнинг шикоятдан асло хабарлари йўқлиги ёхуд қўшниси ё қариндоси ваколати берилмаса-да унинг номидан мурожаат ёзганлиги каби ҳолатлар аниқланмоқда. Шу билан бирга, юқори ташкилотларга келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш жараёнида ҳам мурожаат аноним эканлиги ва аризачиларнинг имзоларини қалбақлаштириш ҳолатлари аниқланмоқда.

Айрим нопок шахслар эса ташкилотлар фаолияти ёки раҳбар ходимларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида бўхтон сўзлар битилган мурожаат-

ларни ўзга шахслар номидан йўлламоқдалар. Бунинг оқибатида имзолари қалбақлаштирилган шахслар маънавий, назорат органлари эса моддий зарар кўрмоқда. Бу каби шахслар ўзларининг мазкур хатти-ҳаракатлари билан давлат бюджетига қатъи зарар келтирган ҳолда назорат органлари ходимлари ҳамда бошқа фуқароларнинг ортиқча овораю сарсонгарчилигига сабаб бўлишмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларга чек қўйиш ва уларни қайта тақоррорлашининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни 6-моддасини келтириб ўтиш ўринли деб ўйлайман: «Мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар аниқ кўрсатилши, ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим, акс ҳолда бундай мурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди». Шундай экан, «Аноним мурожаатлар кимга, қандай мақсадларда ва нима учун керак?» деган савол турғилади.

Хулоса қилиб айтганда, бировларнинг азиз вақтини ўғирлаш, беобрў қилиш, маънавий ва моддий зарар етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу шахслар асосиз шикоят ва мурожаатларни ёзишдан кўра жамият ва соҳа ривожини учун бирор бир масалада янгиликларни жорий этиш бўйича жўяли таклиф ва мулоҳазалар билдирсалар, ҳам ўзларига, ҳам жамиятга фойдаси тегади.

Г. ПОЛУБИЧЕНКО,

Давлат алоқа инспекцияси
Санция ва шикоятлар
билан ишлаш бўлими
1-тоғнали муҳандиси

Андижон театрида байрам

Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театрида байрам тадбири ўтказилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига ва Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг симфоник оркестри жамоаси ва Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалиловнинг катта хайрия концерти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди. Энг ёш, умидли дирижёр Азиз Шохакимов етакчилигида

«Байрам» увертюраси билан бошланган концерт дастури андижонликларнинг байрам кайфиятлари деб оҳаси бўлди.

— Биз учун унутилмас воқеа юз берди, — дейди хаяжон билан Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказининг китоб сақлаш бўлими ходими Нигорахон Машрабова. — Нафақат ўзбек, балки рус ва жаҳон классик симфоник оркестр куй ҳамда қўшиқлари одамни сел қилиб юбораркан. Европа мусиқаларини ўзбек фуқаролари қабул қила олмас керак, деганлар янглишди. Кек-

са-ю ёш берилиб тинглашди. Санъаткорлар истеъдодига, овозларининг ширали кудратига таҳсин ўқидилар.

Дарҳақиқат, италянча, французча ва русча симфоник куйларни, турли опера қўшиқ ва арияларини тинлаганларидан ўзбекчасига бош тебратиб, сармаст бўлган онахону онахонларимизни кузата туриб, санъат миллат, ёш танламаслигига, сеҳру жилоси бирдай дасирчан, тушунарли эканига амин бўлдик.

Мухаммадқодир

ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон
вилоятидаги муҳбири

☐ BIR VILOYATDAN UCH DARAK

☐ HAMKORLIK UFQLARI

**ТЕРМИЗДА
ЎҚУВ-СЕМИНАР**

Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича соҳа олдида турган вазибалар нималардан иборат? Термизда бўлиб ўтган ўқув-семинарда шу масала юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Ўзбектелеком" АКнинг бир гуруҳ мутахассислари мавзу доирасида маърузалар қилишди.

Кўрсатиб ўтилдики, қабул қилинган қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган вазибаларни бажариш, хусусан, корхона ва ташиллот раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Шу билан бирга Агентликнинг тегишли буйруқларида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши аҳолини ўрганиш натижалари, кадрлар масаласи ҳамда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини рўйхатга олиш, бу борада ижро назорати бўйича йўл кўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқув-семинарда Сурхондарё вилоятидаги алоқа корхона ва ташиллотлари раҳбарлари, ўринбосарлари, иш юритиш бўйича масъул ходимлар иштирок этишди.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

Маълумки, мустақил мамлакатимизда "2006-2007 ўқув йили "Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагогик кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинган эди.

Шунга мувофиқ барча таълим шахобчаларида турли тадбирлар йўлга қўйилди. Жумладан, компьютер саводхонлиги бўйича кўрик-танловлар ўтказилди. Сурхондарё вилоятидаги мактаб ўқитувчиларининг баҳсида Термиз шаҳридаги 11-мактабдан беш нафар ўқитувчи голибликни қўлга киритишди. Энди мактабнинг рус тили, расм, тарих, жисмоний тарбия ва немис тили ўқитувчилари Дилором Қаҳҳорова, Собир Мустарамов, Хушвақт Беғалиев, Мурод Омонов ҳамда Дилафрўз Йўлдошевлар компьютер саводхонлиги бўйича танловнинг республика босқичида иштирок этишди.

СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ

Бу ҳикматда катта маъно бор. Агар киши соғлом бўлса, албатта юқори иш унумига эришади ва ҳаммиша кайфияти чоғ юради.

"ЎИ-Термиз" филиали бунини инobatта олиб, йилда бир марта ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиб келмоқда. Ана шу инсонпарварлик мақсадларига мос тадбир филиал бошқаруви ва бошланғич касба уюшма ташиллотининг Жамоа шартномасида ўз аксини топган. Ижтимоий ҳимоя йилидаги навбатдаги тиббий кўрик вилоят поликлиникасида ўтказилди. Қувонарлиси, жамоа аъзоларининг асосий қисми соғлом деб топилди. Қолганларга филиал тиббиёт хонасига қатнаб, соғлиқларини мустаҳкамлаш тавсия этилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

**Ёнғнам университети
кўнгиллиларининг ташрифи**

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Жанубий Кореянинг Ёнғнам университети ўртасида 2004 йил 14 июлда имзоланган ўзаро таълим ва академик алмашув ҳақидаги Келишувга асосан Ёнғнам университетининг 20 нафар талаба, 1 таржимон ҳамда 2 нафар профессор-ҳодимдан иборат гуруҳи жорий йилнинг 6 июлидан 28 июлига қадар Тошкентда бўлишди.



Ташрифдан мақсад Кўнгиллилик хизмати ҳамда маданият алмашинув дастурини амалга оширишдан иборат.

Меҳмонлар 7 июл куни университет ректори Содикжон Қосимов билан учрашдилар.

Дастурнинг очилиш маросимида Ўзбекистон университетларидан, Корея ташиллотларидан, болалар уйдан келган вакиллар ва ТАТУ талабалари иштирок этишди. Меҳмонлар Кореянинг чолғу асбобларида меҳнаткашларни далага чорлаш мусиқасини ва "Елпигич" рақсини ижро этишди. Кейин тазквандо машқлари намойиш қилинди. Ўша кунини улар Шаҳидлар хотираси майдонида ва Тошкент телеминорасида бўлишди.

Дастурга биноан, меҳмонлар "Kinderdorf" (Болалар қишлоғи), 1-сон-

ли муруват уйи, С.Раҳимов туманидаги Қариялар уйи, Чилонзор туманидаги 23-сонли меҳрибонлик уйи ва бошқа меҳрибонлик уйларида бўлиб, қизиқарли миллий томошалар, концертлар кўйиб беришди ва совға-саломлар улашишди. Худудларни ободонлаштиришда бирга меҳнат қилишди. Кўнгиллиларнинг ёрдамида, айниса, болажонлар мамнун бўлдилар.

Меҳмонлар қадимий ва ҳаммиша навқирон Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб олам-олам таасуротлар билан қайтишди. "Бу тарихий шаҳарга саёҳат менинг тасавурларимни янада бойитди, — дейди делегация раҳбари, профессор Ку Канг. — Хусусан, талабаларимиз Регистон майдонидаги бир-бирига ўхшамайдиган меъморий гўзал қадамжоларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладилар.

Мен қаерда бўлмайин, ўзбек ва корея халқларининг ўрф-одатларини нақадар авайлаб-асрашларини кузатиб, ўхшаш томонларимизни ниҳоятда кўпчилигидан жуда қувондим".

Ёнғнам университети делегацияси Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги майдони, Амир Темур хибони ва музейи, Олой бозори, Чорсу бозори, Хаста Имом масжиди, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Ким Пен Ха музейи каби Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Ушбу ташриф икки халқнинг маданияти ва таълим соҳасидаги алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Саидкамол МЕДЕТОВ,
ТАТУ халқаро бўлими мутахассиси

☐ 2007-ЙИЛ — ИЖТИМОЙ НИМОYA YILI

☐ HAMKASBLARIMIZ

Муруватла олам мунаввар

Меҳр-муруват — инсон ҳаётининг гултожи, дейишадди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қаердаки ўзгаларга ҳурмат-эҳтиром, кекса авлод вакиллари, ноғиронларга муруват ҳукмронлик қилса ўша ердан барака аримайди.

Минг шукрки, азалдан меҳр-оқибатли бўлган, энг қийин пайтларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаган халқнинг фарзандларимиз. Бобомерос, момомерос бу фазилатлар бугун — мустақиллик йилларида ҳукмат эътибори даражасига кўтарилганлиги сабаби ҳам чуқур илдиз отган анъаналаримиз ту файли аслида.

2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб аталиши муносабати билан маҳалаларда, корхона, ташиллот ва муассасаларда олиб борилаётган эзгу ишларнинг санаб-саногига етиш мушкул. Зеро, ҳар бир жойда кексалар қадрланяпти, ўқсик кўнгилларга меҳрдан, амалий ёрдамдан малҳам қўйилляпти.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали Оққўрғон почта алоқаси тармоғида 12та алоқа бўлими бўлиб, уларда 70 нафарга яқин ходим самарали меҳнат қиляпти. Туманда истижомат қилувчи 9750 нафар пенсионерга пенсия пулларини кечиктирмай етказиб бериш, хат-хабар, телеграммаларни ўз вақтида элтиш, аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни йиғиш каби ишлар ана шу ходимлар зиммасига юклатилган.

— Бу борада Муҳиддин Тузалов раҳбарлигидаги "Қорасув", Рустам

Дўсратов бошлиқ "Кўргонтёпа", Илгиза Маҳмамова етакчилик қиляётган Алимкент ҳамда Сайфиддин Абдуазизов бошчилигидаги "Лалмикор" алоқа бўлимлари ходимлари бошқаларга ўрнат бўлишяпти, — дейди Оққўрғон почта алоқаси тармоғи раҳбари Хусниддин Ботиров. — Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили дея эътироф этилиши муносабати билан ходимлар меҳнатини қадрлашга катта эътибор берялмиз. Жумладан, шу кунга қадар 26 нафар ходимга 1 миллион 91 миң сўмлик маблағ даволаниш нафақаси учун берилди. 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ходимларнинг байрам тадбирлари учун сарфланди. Ишда юқори натижаларга эришган 4 нафар почта ходимига рағбатлантириш мақсадида гилам совға қилинди. Тармоғимизда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Азиз ака Алимов, Мохнур опа Губайдулина, Райхон опа Валиева, байналмилал жангчи Нуриддин Асқаровлар доимо диққат-эътиборимизда. Албатта, бу каби хайрли амаллар келгусида ҳам анъанавий тарзда ўтказиб борилади.

Муборак МИРКАМОЛОВА

**ХАБАРЧИ
ШУНДАЙ БЎЛСА**

Ақилбек Алламуратов Хўжайли почта алоқаси тармоғида беш йилдан буён фаолият юритиб келаётди. У шаҳардаги техника касбхона коллежини битириши билан тўғри шу ерга ишга келган эди.

Ушлайтган 9-бўлим 550 нафарга яқин пенсионер ва ноғирон, 200дан ортиқ обучачи ҳамда кўп сонли маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳозирда масъул бўлган Ақилбек ҳар бир миҳознинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиляди. Бу борада устози Аллаберген Жуманиёвдан миннатдорчилигини аширмайди. Чунки аҳолидан фойдаланилган табиий газ, электр қуввати, телефон хизматлари учун тўловларни йиғишда устоз сабоқлари қўл келмоқда.

Ақилбек жамоада ташкил қилинган турли тадбирлар, спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиси ҳамдир. У ажойиб инсон ва меҳнаткаш ходим сифатида Аноргул Шарипова, Эркиной Исмиёлова, Пароҳат Турдимуратова сингари касбшохларининг ҳурмати қозонган.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
"Хабар"нинг Қоракалпоғистон Республикасидаги мухбири

Новости в сфере ИКТ

САМЫЙ БЫСТРЫЙ И ДЕШЕВЫЙ ИНТЕРНЕТ

В тридцати странах мира с наиболее развитой экономикой 60% пользователей интернета имеют широкополосный доступ в Сеть. Такие данные опубликовала в своем докладе Организация экономического сотрудничества и развития (OECD).

Согласно отчету, наиболее быстрый и дешевый интернет доступен в тех государствах, где операторы перешли на оптоволоконные сети. К примеру, в Японии скорость передачи данных в широкополосных сетях составляет 100 Мбит/с, что в десять раз выше, чем средний показатель в других странах-членах OECD. Аналогичную скорость предлагают абонентам оптоволоконных сетей операторы в Швеции, Южной Корее и Финляндии. Исследователи OECD также отмечают: японские пользователи оптоволоконных сетей могут получать и передавать данные с одинаковой скоростью, что невозможно при доступе в интернет по ADSL-каналам и кабельным сетям.

Кроме того, в Стране Восходящего Солнца самые низкие цены — абоненты платят 22 цента США ежемесячно за пользование каналом со скоростью 1 Мбит/с, в то время как в Турции эта услуга обходится в 81,13 доллара США в месяц. Соединение с широкополосной сетью со скоростью 1 Мбит/с дешевле всего стоит в Соединенных Штатах — 3,18 доллара США, а британские пользователи платят за такое соединение 3,62 доллара США.

ЧАСЫ, РАСПОЗНАЮЩИЕ ЖЕСТЫ

Американские ученые из Технологического института Джорджии разрабатывают необычные наручные «часы» (Gesture Watch), способные распознавать жесты.

Прототип устройства содержит инфракрасные датчики, регистрирующие движения руки над лицевой поверхностью «часов». Таким образом, надев устройство, например, на запястье левой руки, пользователь сможет отдавать управляющие команды правой рукой.

В настоящее время, Gesture Watch способны распознавать движения вверх, вниз, влево, вправо, а также круговые жесты. Различные комбинации



нования полагать, что они используются для распространения порнографических материалов или клеветы», — заявил представитель министерства информации и связи.

По данным агентства, сотрудники министерства уже вычислили злоумышленников, но отказались сообщить, где они находятся — в пределах страны или за границей. В случае, если они будут пойманы, им грозит до пяти лет лишения свободы и штраф в 3 тысячи долл.

С тех пор, как к власти в стране пришли военные, уже закрыто более 45 тысяч сайтов и их число продолжает расти. Противники нового закона считают, что он нарушает право человека на частную жизнь.

НОВЫМ АБОНЕНТАМ «ТРОЙНОЙ БОНУС».

ОАО «Мобильные ТелеСистемы», крупнейший оператор сотовой связи в России и странах СНГ, объявляет о запуске акции «Тройной бонус», по которой подключающиеся до 31 августа к сети МТС абоненты получают на свой счет бонус в размере трех стартовых балансов.

Бонус, который абоненты МТС получают при подключении на тарифные планы «Первый», «Мы», «Свободный», «RED», «RED_text», «Maxi», «Maxi One», «Областной» и «Гостевой» может быть использован как на голосовые вызовы, так и на пользование дополнительными услугами МТС.

Бонус зачисляется на счет абонента равными долями в течение шести месяцев после подключения.

В ТАИЛАНДЕ ВЗЛОМАН ПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫЙ САЙТ

В Таиланде через день после принятия нового закона о борьбе в сфере компьютерных преступлений неизвестные взломали сайт министерства информации и связи.

Хакеры разместили на главной странице изображения свергнутого премьер-министра Чинавата и лидера военного переворота генерала Сонтхи Буньяраткалина — нынешнего главы правящего совета страны.

Также взломщики поместили критику в адрес нынешнего правительства и недавно утвержденного проекта конституции королевства.

Согласно принятому в среду закону, полиция имеет право изымать компьютеры в частных домах и офисах, «если имеются основания полагать, что они используются для распространения порнографических материалов или клеветы», — заявил представитель министерства информации и связи.

По данным агентства, сотрудники министерства уже вычислили злоумышленников, но отказались сообщить, где они находятся — в пределах страны или за границей. В случае, если они будут пойманы, им грозит до пяти лет лишения свободы и штраф в 3 тысячи долл.

С тех пор, как к власти в стране пришли военные, уже закрыто более 45 тысяч сайтов и их число продолжает расти. Противники нового закона считают, что он нарушает право человека на частную жизнь.



рудованием бесконтактным способом. Это положительно отразится на стерильности операционных комнат.

СЛЕДУЮЩАЯ ВЕРСИЯ WINDOWS МОЖЕТ ВЫЙТИ В 2010 ГОДУ

Корпорация Microsoft планирует выпустить следующую версию клиентской операционной системы Windows ближе к концу десятилетия — корпорация намерена завершить работу над новой программной платформой Windows 7 в течение трех лет.



Операционная система Windows 7, ранее известная под кодовым названием Vienna, придет на смену недавно выпущенной Windows Vista. О Windows 7 пока известно не слишком много. Сообщается лишь, что операционная система выйдет в клиентской и серверной модификациях и будет поддерживать как 64-разрядные, так и 32-битные процессоры. В Microsoft подтвердили, что корпорация рассматривает возможности введения на Windows подписной модели, однако какие-либо детали об этой схеме распространения ОС пока отсутствуют.

ОСОБЕННОСТИ ШВЕДСКОГО ДОМЕНА SE

В национальном домене SE появилась возможность регистрации многоязычных доменных имен (IDN) с буквами алфавитов языков малочисленных коренных народов, проживающих на территории Швеции. 4 июля для владельцев товарных знаков начался период приоритетной регистрации таких доменов.

Начиная с 2003 года, в шведском домене SE можно было зарегистрировать доменные имена, включающие 42 буквы шведского алфавита, в том числе e, d, c, y и й. На сегодняшний день в домене SE насчитывается более 70 тыс. подобных доменных имен. Теперь же с учетом букв алфавитов малых народов число символов в шведских IDN возросло с 42 до 200.

Кстати, Швеция не первая скандинавская страна, где активно развивается направление многоязычных доменов. В финском домене FI разрешена регистрация доменов с символами S6mi (саамского языка, более известного как лопарский язык). Регистрируются домены с умляутами и в Дании.

Интернет-фонд SE является не только администратором национального домена Швеции, но и ведущим регистратором. Как независимая некоммерческая организация Интернет-фонд SE поддерживает развитие Интернета в Швеции. SE ежегодно поддерживает проекты, вносящие вклад в развитие и использование Интернета. В стране также работает более 200 регистраторов доменных имен. Благодаря их совместной работе сегодня в зоне SE зарегистрировано более 620 тыс. имен.



АФОРИЗМ

Какие бы вы сладости ни ели,
Нет лакомства вкусней, чем сила в теле.

Алишер НАВАИ

ZiyoNET—АНОНС*

Сданы в эксплуатацию пятнадцать новых колледжей

В Сурхандарьинской области накануне праздника независимости будут сданы в эксплуатацию пятнадцать профессиональных колледжей. В эти дни в новых зданиях учебных заведений завершаются отделочные работы. Профессиональный колледж на 720 мест возведен и в махалле «Арпапо» Кумкурганского района. Этот объект сооружен в сжатые сроки и с высоким качеством строителями общества с ограниченной ответственностью «Кумкурганкурилиш».

Молодежь закаляется в труде

Постоянное внимание и забота, оказываемые под руководством Президента Ислама Каримова делу воспитания молодежи, дают высокие результаты. Это можно видеть и на примере добрых дел, проводимых общественным движением молодежи «Камолот». Все более возрастает активность данной организации в таких важных вопросах, как реализация молодежных программ, содействие подрастающему поколению вобретении своего достойного места в жизни, его социальная защита. Важным руководством к действию при этом служит постановление главы государства от 10 октября 2006 года «О поддержке общественного движения молодежи «Камолот» и дальнейшем повышении эффективности его деятельности».

Повышается активность молодежи в Бухарской области

В соответствии с постановлением Президента Ислама Каримова «О поддержке общественного движения молодежи «Камолот» и дальнейшем повышении эффективности его деятельности» от 10 октября 2006 года в Бухарской области также проводится целый ряд мероприятий. В целях повышения уровня занятости среди молодежи, ее поддержки и всесторонней защиты в районах создаются центры социальных услуг. На территории схода граждан махалли «Зирабад» города Кагана проживает более 8 тысяч человек. Основную их часть составляют молодые люди. Недавно для здешних юношей и девушек было создано большое удобство — в отремонтированном здании открылся Центр социальных услуг Каганского городского отделения общественного движения молодежи «Камолот». Здесь организовано обучение молодежи компьютерной грамотности, швейному и поварскому делу. При центре работает также консультативный клуб «Еш оила».

Выставка народного художника Узбекистана Акмаля Нура в Москве


III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими: (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилди.
- Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш куни — яқшанба. **Ётоқхона** — 1 ойга 25000 сўм.
- Манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)
- Келиш йўли:** метронинг Минор, автобусларнинг «Қозғистон» кинотеатри бекати.
- Тел.:** 135-10-36 (факс), 134-70-69.

- **Инглиз тили** — (бошловчилар учун) — 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **Немис тили, француз тили ва корей тили** — (тулик курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** — (бошловчилар учун) — 4 ой, (давом эттирувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

IV. Йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:

- (фақат кичик гуруҳларда)
- **Сартарош—стилист, педикюр—маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
- **Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул ясаш ва чизиш** (яққа тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.
- **Косметолог—визажист** — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. Ўқиш поликлинникада, тезкор — 3 ой.
- **Фармацевтика** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқиш дорихонада), тезкор — 3 ой.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
- **Астарили устки кийимлар тикиш** — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 1 ой.
- **Тўй ва оқшом кўйлақларини тикиш** — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 2 ой.
- **Газламалардан гуллар ясаш** — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 10 кун.
- **Кўлда кийим—буюмлар тўкувчи** (олий курси б-н) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда), тезкор — 1 ой.
- **Бисер усулида каштачи—безакчи** — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Бисер асосида дизайн** — (яққа тартибда) — 2 ой, 1 — ойга 20 минг сўм.
- **Машинада ва кўлда кашта тикиш (вишив-ка)**—муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яққа тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** — 2 ой, 1—ойга 15 минг сўм
- **Уйғур, миллий ва европа таомлари** (50 дан ортиқ овқатлар) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
- **Пазандалик** — (пишириқлар, тортилар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой.
- Тортиларни олий даражада безатиш санъати** — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Заргарлик** — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Яққа тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.
- Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда ҳужжат топширганингиздан оқиб бошланади.
- Стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан «устоз—шогирдлик» асосида, қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир мавзунини ўзлаштирмадан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!



SORANG, JAVOB BERAMIZ!

— Кейинги пайтларда йод танқислиги тўғрисида кўп гапирилмоқда. Йод танқислиги тўғрисида оддийроқ тушунча берсангиз. Унинг белгилари ва олдини олиш, даволашни қандай бўлади?

Зулфира РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Бешкент телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси

— Йод танқислиги натижасида аҳоли ўртасида, айниқса, қизлар ва аёллар, болаларда қалқонсимон без касалликларидан эндемик бўқоқ кенг тарқалган.

Қалқонсимон без организм учун муҳим бўлган гормон ишлаб чиқаради. Бу гормон таркибининг 65 фоизини йод ташкил этади. У организмда модда алмашинувини, бош мия фаолиятини, болаларнинг ўсиши ва ривожланишни назорат қилади.

Йод танқислиги натижасида беморларда тез жаҳл чиқиши, тушкун ҳолат, уйку босиши, дармонсизлик, хотиранинг пасайиши, сабабсиз тез-тез хафа бўлиш, лоқайдлик, бош оғриғи, бош қон босимининг кўтарилиши кузатилади. Бу беморлар иммунитет пасайиб кетиши натижасида тез-тез шамоллаб қолишади, уларга юқумли касалликлардан бири — грипп тез юқиши мумкин. Яна бир ҳолат қўл мушакларида ҳолсизлик ва оғриқ, кўкрак ва белда радикулит, кўзлари атрофида шишлар кузатилади. Аёлларда, қизларда йод танқислиги натижасида ҳайз кўришининг бузилиши ёки ҳайзининг умуман бўлмаслиги, бепуштлиқ юз бериши мумкин.

Йод танқислигини бартаараф этиш мақсадида йодланган туз истеъмол қилиш, йодланган тиш пасталаридан фойдаланиш тавсия этилади.

Агар йод танқислиги натижасида эндемик бўқоқ келиб чиққан бўлса, таркибида йод бўлган йод-актив (йодид ёки йодомарин)дан кунига 2 донадан ичиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳомилалар аёлларга, болаларга ва умуман, барча соғлом кишиларга йод танқислигининг олдини олиш мақсадида антиструмин дорисидан ҳафтага биттадан ичиш тавсия этилади. Албатта, бундан шифокор маслаҳатини олиш зарур.

Муҳиба БОЛТАЕВА,
Қарши шаҳридаги 5-поликлинниканинг терапия бўлими бошлиғи,
1-тоифали шифокор

“Халқимиз, аввало, ўсиб, униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим”.

Ислом КАРИМОВ

**АХБОРОТ
УРУШИ**

Келиб чиқиш омиллари,
мақсадлари, воситалари,
шакллари ва унга қарши
курашниш чоралари

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Ахборотни ҳимоялаш масалаларига ривожланган мамлакатлар катта аҳамият беради. Ҳозирги пайтга келиб халқаро муносабатлар янги ахборот технологиялари асосида шаклланаётгани боис, ахборотни ҳимоялаш ва компьютер тизимлари хавфсизлигини таъминлаш жамият олдидаги энг муҳим вазифалардан бирга айланмоқда.

Ҳа, ахборотни ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш кескин тус оляпти. Ахборот, уни узатиш, қайта ишлаш ва йиғиш босқичлари ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, инсоннинг оддий кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатларининг асосини ҳам, дунё мамлакатларининг инсоният тақдирига дахлдор бўлган қарорларининг манбаини ҳам ахборот ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий

таъсир ўтказиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Мутахассисларнинг хулосаларига қараганда, раҳбарлар, бошқарув ходимлари ахборотлар билан ишлашга ўз вақтларининг 30 фоизидан 80-95 фоизигачасини сарфлашар экан. Бу табиий ҳолат. Чунки, доимий равишда ишончли ахборотларга эга бўлиш ҳамда уларни ўз вақтида етказиш ва амалиётда унумли фойдаланиш самарали бошқаришни таъминлашнинг шартли ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эндиликда ахборот давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Ватанимиз мустақиллиги айрим давлатларнинг минтақамизга интилишлари моҳиятида икки муҳим жиҳат — геосиёсий таъсирга ва бу ердаги табиий ҳамда нотабиий ресурсларни тасарруф этишда ўз улушига эга бўлишга интилиш

OROMGOH-2007

MOBIL XIZMAT YANGILIKLARI

Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази оромгоҳларда дам олаётган ўқувчиларнинг ҳар бир кунги мазмунли ўтиши учун кўплаб тadbирларни ташкил этмоқда.

«Алоқачи» оромгоҳида алоқа ходимларининг юзлаб фарзандлари ҳар мавсумда кўнгили ва мароқли дам олмақдалар.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ!

Иккинчи мавсум давомида кутубхонамиз ходимлари олдиндан тузилган режага мувофиқ бири-биридан қизиқarli тadbирларни ташкил этишди. Улар орасидан, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тасдиқланган кунга атаб ўтказилган «Герб — озодинёр тимсоли», «Миллий ғоя билимдони», «Муруват азалий қадрият» мавзусидаги тadbирлар, «Ватанга содиқ фарзандлар бўламыз», «Сиз тарихни биласизми?» беллашув тарзидаги адабий кечалар ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Айни пайтда оромгоҳда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неймат Аминов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб «Истеъдодли ҳажвчи ёзувчи», Бутунжаҳон шахмат кунига атаб «Шахмат — ақл чархи» ҳамда ҳадис илмининг билимдони Имом ал-Бухорийга бағишлаб маърифий-маданий тadbирлар ўтказилди. Тез кўнларда эса кутубхонамиз ходимлари «Зумрад ва Қиммат», «Ерилтош» эртақлари асосида тайёрланган овозли ўқишлар ва «Абдулла Қаҳҳор — сўз зарғари» мавзусидаги давра сўхбатини ташкил этдилар.

Бундан ташқари, 1000 нусхадаги адабиётдан иборат кўча кутубхонадан ўқувчилар бахраманд бўлиб, даврий нашрларни ҳам кузатиб бормоқдалар. Тadbирларнинг фаол иштирокчилари рағбатлантириб борилмоқда.

Шахноза ИСАЕВА, Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг илмий услубий бўлими мудири

«Билайн» савдо белгиси остида 3 долларлик тўлов карталари савдога чиқарилди.

Арзон ва қулай

— Абонентларимиз арзонроқ қийматдаги тўлов карталарини жорий қилишни сўраб, бир неча марта бизга мурожаат қилишган. Энди **5, 10, 20** ва **50** АҚШ доллари қийматидаги карталар билан бирга, биз нархи **3** АҚШ доллари бўлган тўлов карталарини ҳам таклиф қиламиз, бу абонентга мобил алоқа хизмати учун пул тўлашда катта қулайлик туғдиради, — дейди «Unitel» МЧЖ тижорат ишлари директори Евгений Скрипник.

Ҳозирча 3 долларлик тўлов карталари фақат Тошкент ҳудудида савдога чиқарилди, яқин кўнларда уларни республикамизнинг барча ҳудудларида сотиб олиш мумкин бўлади.

Тўлов карталари бу — кўннинг исталган пайтида ҳисобни тўлдиришининг содда, тез ва қулай усули. Карта ёрдамида яқин кишининг ҳисобини ҳам тўлдиришининг мумкин, бунинг учун унинг рақамини билишингиз kifоя.

Тўлов карталарини дилерлик бўлимларида, шунингдек, компаниянинг савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида сотиб олиш мумкин. Уларнинг амал қилиш муддати чегараланмаган.



Билайн™

ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

«Олтин шаҳар» шарқий филиалда

«Unitel» МЧЖнинг Шарқий филиалида «Олтин шаҳар» тариф режаси амалга киритилди.

«Олтин шаҳар» тариф режаси кўпинча шаҳар телефон рақамларига кўнғироқ қилувчи ҳамда қулай ва яхши эсда қоладиган рақамга эга бўлишни муҳим деб билган кишилар учун мўлжалланган.

«Олтин шаҳар»га хос барча хусусиятлар «Шаҳар» тариф режаси билан бир хил, фақатгина янги тарифнинг абонент

тўлови мавжуд бўлиб, у кўнига 3 центни ташкил этади.

Тармоқ ичидаги кирувчи кўнғироқлар — бепул.

Бошқа барча кўнғироқлар баҳоси — дақиқасига 3 цент.

Ушбу тариф режасида барча сўзлашувлар тўлиқ дақиқага яхлитланади.

Тариф режасига уланаётган маҳалда абонентга 50, 20, 10 доллар қийматдаги «олтин» рақамлардан бирини олиш имконияти берилди. Бунда абонент энг кам олдин-

дан тўлов суммасини (5 доллар) ҳамда ўзи танлаган олтин рақам қийматининг ярим нархини тўлайди. Бу ҳолатда тўланган барча сумма абонентнинг балансига келиб тушади ва у бу маблағни мобил алоқаси учун сарфлаши мумкин бўлади.

«Билайн»нинг абонентлари «Олтин шаҳар» тариф режасига компаниянинг савдо ва хизмат кўрсатиш офисларида ўтишлари мумкин. У ерда абонент танлаган «олтин» рақамининг ярим баҳосини тўлайди ва унинг тариф режаси янги тарифга ҳамда эски рақами «олтин» рақамга ўзгартириб берилди.

Ушбу тариф режасини исталган бошқа бир тариф режасига ўзгартирилганда, абонент балансидан ўзи танлаган «олтин» рақам қийматининг ярмига тенг бўлган сумма ушлаб қолинади. Бу фақатгина компаниянинг савдо ва хизмат кўрсатиш офисларида амалга оширилади.

Ўзбекистондаги «Билайн»нинг бошқа тариф режаларидаги каби янги «Олтин шаҳар» хизмат кўрсатиш режасида ҳам абонентлар ўз ҳисобларидаги маблағни нол балансида ишлатишлари ва бундан тармоқ ичидаги кўнғироқлар ҳамда қисқа хабарларни қабул қилишлари мумкин.

ЭЪЛОН!

«Хабар» газетаси ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, тузилган кўн, никоҳ тўйи муносабати билан табриқ-қутловларни, турли эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали биноси, 3-қават.

Мурожаат учун телефонлар: 133-36-48, 136-36-42.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом»нинг 48-бандига асосан 2007 йил 18 июлдан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши қайта тикланди:

1. «G'ijduvon-oynai jahoni» кичик корхонасининг (Бухоро шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001469 рақамли;

2. «Хаёт» телевидениесининг (Денов шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001487 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом»нинг 49-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 19 июлдан тўхтатилди:

1. «МАХАНБЕТ НОКИС» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001520 рақамли;

2. «Автомобилчи» хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001462 рақамли.

да алоҳида кўзга ташланади. Бошқа айрим давлатлардан фарқли ўларок, бу ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида англаб етилгани ва мазкур масала унинг ташқи сиёсатида акс этиб туриши «катта ўйин» қатнашчиларини ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай усул ва воситалардан фойдаланишга мажбур этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишининг энг мақбул усули — ахборот хуружлари бўлса, энг самарали восита — ахборот тизимлари ва воситалари ҳисобланади.

Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётгани аслида «уруш»га муносабатининг ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Ахборот билан қуролланган бундай хуружлар дав-

латлар томонидан ўз манфаатлари доирасини кенгайтириш мақсадида уюштирилади. Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади — инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Бу кураш натижасига кўра учта асосий босқичдан иборат.

Биринчиси — муайян ахборот инсон томонидан қабул қилинмайди.

Иккинчиси — ахборот инсон онгида маълумот сифатида сақланиб қолиши ва у бундан бошқа бир масала юзасидан қарорлар қабул қилишда солиштирувчи манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Учинчиси — ахборот фикр ёки ғоя сифатида инсон қалбини эгаллаши, маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига ай-

ланиши ҳамда бу унинг амалий фаолияти асосини ташкил қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин.

Ахборот учинчи ҳолатда инсонни ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучини тўла намоён этади.

Ҳозирда ахборот хуружлари ҳақида кўп гапирилаётган бўлса-да, мутахассислар томонидан мазкур тушунчага ҳали тўла таъриф берилмаган. Бунинг устига, ҳатто соҳа тadbирчилари, мутахассислари ҳам «ахборот уруши» деган жумланинг қачондан муомалага киргани ва ахборот қурол сифатида илк бор қачон фойдаланилгани ҳақида бир тўхтамага келишгани йўқ.

(Давоми бор.)
Неъматулла МЎМИНОВ,
ТАТУ профессори

Эрталабки нонушта пайти эди. Радиода сабр ҳақида эшиттириш берилди. «Сабрнинг таги олтин», деган жумла ўн марта такрорланди, ўзим. Сабр билан эшитдим.

Уйдан чиқиб кетаётган эдим хотин деди:

— Сўрадингизми?

Дарҳол тушундим, ишхонамиздаги Абдурасул ўн минг сўм қарз олган эди. Бир ойда қайтариб бераман, деганди, шунга ҳам адашмасам уч ой бўлди-ёв. Лекин ҳамон қайтармаётти.

— Қандай бўларкин? Бечора ижарада туради. Бунинг устига яқинда уйланган бўлса, иложини тополмаётгандир-да. Ўзи яхши йигит, қайтарар. Уят бўлади, хотин.

— Э, ўз пулингизни сўраш ҳам уятми?

— Андак сабр қилайлик, бериб қолар. Радиони эшитдингизми.

Ишхонада бугун ойлик берилиши керак эди. Кассиримиз Лолахон банкка бориб, қуруқ қайтиб келибди. Гап тарқалди, шу ҳафта пул бўлмас эмиш. Бошиқимиз Пўлатхон Фаттоҳович:

— Бир ҳафта чидасак, бир жойимиз камайиб қолмайди, — деди ҳаммамизни бир жойга тўплаб. Чунки баъзи сабрсизлар ҳар хил гап чиқаришган эди. Тешик қулоқ, эшитган бўлса керак.

— Чидаймиз, — деди бошиқимизни биринчи бўлиб маъқуллаб қоровулимиз Сабр



САБР

Ҳажвия

ришни сўраясизми? — дедим мен.

— Ҳа, балли, худди ўша. Қаранг, қандай чиройли эшиттириш қилишибди. Раҳмат, ўшаларга. Айтган барча сўзларининг тарбиявий аҳамияти зўр. Айниқса, «шошилган қиз эрга ёлчимайди», деган гапни ўз ўрнида қўллашди. Афсуски, Салимаҳон ишдан бўшаб кетдилар-да, қизини ўн етти ёшида эрга бериб, нима қаромат қурсатди?! Битта боласи билан уйига қайтиб келиб ўти-

оз хижолатомуз бошлиқ ўрин-босари Раҳматулла Эгамназарович. — Бечора, ҳайдовчимиз Ҳайдар акадан ҳам ўн минг сўм олганига анча бўлган экан. Яқшанба куни мардикор бозорига чиқиб, бир оз пул топибди. Бирданига қарзимдан қутулиб қўяйин деб Ҳайдар аканинг уйига бораётган экан, ити тишлаб олибди. Ҳозир дўхтирхонада, яқинда хижолат деб телефон қилди. Минг андиша билан, «Ҳайдар ака қарздан кечарми-канлар, пулни даволанишга сарфляяпман», деди. Хўш, Ҳайдар ака, сиз нима дейсиз?

— Ит бизники эмас, қўшнимизники, — деди Ҳайдар ака эрга қараб.

— Нима фарқи бор, яхши ният билан сизникига бораётган экан-ку, — деди қоровулимиз Садир ота. — Қарзингиздан кеча қолинг. Ана, мен кечдим.

Садир отанинг бу ташаббусидан сўнг, Абдурасулга ким пул қарз берган бўлса, барчалари кечишди.

Менинг эса бошим қотиб қолди. Нима қилсам экан, қарзимдан кечсаммикан? Унда хотинга нима дейман? Шунда эрталаб, радиода сабр ҳақидаги эшиттириш ёдимга тушиб қолди. Йўқ, ҳозирча қарздан кечмайман, бир оз сабр қилайчи. Сабрнинг таги олтинмикан?

Радиони ҳам эшитиб туриш керак, биродар.

Абдураззоқ ОБРҮЙ

ота. — Бир ҳафта нима деган гап, кампир шафтолини данагидан ажратиб егунча, ўтади-кетди. Мана, Абдурасул ўғлим мендан беш минг сўм қарз олганига олти ой бўлди. Мен гинг деганим йўқ. Демайман ҳам. Аҳволини биламан, билиб туриб, қандай сўрайман. Хижолат бўларкан киши.

— Эрталаб ким радиони эшитди? — дея сўраб қолди кекса ходимимиз Мамадали ака. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Сабр ҳақидаги эшитти-

рибди. Менимча, ҳозир орамизда шошқалоқлар йўқ. Шундайми? — дея йигиланларга қаради.

— Садир ота, Абдурасул мендан ҳам уч минг олганига, адашмасам, етти-саккиз ой бўлиб қолди-ёв. Мен ҳам сўрашга шоганим йўқ, у ҳам беришга шогамаяпти. Шу бировга пул қарз беришга бераман-у, ҳаммиса сўрашга хижолат бўлиб юрман.

— Абдурасул масаласини яхши кўтардинглар, — деди бир

SHIFOBAXSH NE'MATLAR

ПИЕЗ

Пиёз суви 3 кун 3 маҳал бурунга юборилса, бошни тозалайди. Бош оғриғида, қулоқ шангиллашида, қулоқда йиринг ва сув пайдо бўлишида пиёз суви қулоққа томизилади. Узоғи билан 10 кун 3 маҳал бу амал бажарилса, бош ва қулоқ оғриғи, қулоқ шангиллаши барҳам топади.

Пиёз суви қатарактада 5 кун 3 маҳал томизилса, фойда қилади. Кўзга оқ тушганда аёл сутига оқ пиёз сувини тенг қўшиб, 12 кун 3 маҳал томизилса, оқ кетади.

10 грамм пиёз уруғининг талқонига 20 грамм асал қўшиб аралаштириб, 1 суткадан кейин бошлаб, оз-оздан 15 кун, 2 маҳал қўйиб боғланса ҳам, кўз оқи кетади.

Бавосил иллатида пиёз сувига пахта тўйинтириб, 10 кун 2 маҳалдан боғлаб юрилса, фойда қилади. Парҳези: хамирли, қовурма овқатлар, нўхат, ловия, аччиқ ва шўр нарсаларни тўлиқ тузалгунича емаслик керак. жинсий алоқадан тўхтаб турилади.

Сувини газак ўт билан бирга аралаштириб, қутурган ит тишлаган жойга боғлаб қўйилса, фойда қилади.

Пиёзни ҳалқадай кесиб, қўй ёғида қип-қизил қилиб қовуриб, 5 кун 2 маҳалдан тизза оғриқларига қўйиб боғланса, оғриқ кетади.



PAZANDA MASLAHATI

МЕВАЛИ ТОРТ

Масаллиқлар: бир стакандан ун ва шакар, бир ошқошиқ крахмал, олти тухум.

Креми учун: 500 мл қуоқ сметана, бир стакан шакар, мевалар.

1. Тухумнинг оқи ва саригини ажратиб, алоҳида идишларга шакар қўшиб кўпиртирасиз. Крахмал, ун қўшиб ҳамма масаллиқни аралаштирасиз ва 180 даража қизиб турган газ печида 20-25 дақиқа давомида пишириб оласиз.

Қаймоқ ва шакарни яхшилаб кўпиртириб крем тайёрланг.


Бисквит пишгач, уни совутасиз. Кейин ўртасидан иккига бўлиб бир қаватига крем суртиб, мева териб чиқасиз. Устидан иккинчи бўлагини қўйиб уни ҳам крем ва мевалар билан безайсиз. Креми сингиши учун тайёр тортни икки соат мобайнида музлаткичга қўясиз.



БУТЕРБРОД

Масаллиқлар: думалоқ шаклли нон, 400 гр. дудланган қолбаса ёки гўшт, олти ошқошиқ майонез, икки ошқошиқ сариеғ, битта қайнатилган тухум, помидор, бод-ринг, қўкат, туз, мур.

Нонни ўртасидан кесасиз. Биринчи бўлагига сариеғ суртиб, қолбаса бўлакларини териб чиқасиз. Сўнг майонез суртиб, устидан ноннинг иккинчи бўлагини қўясиз. Устидан яна майонез суртиб, аввал тухум, кейин сабзавотлар ва қўкатлар билан безатасиз. Бутербродни дастурхонга тортишдан олдин ярим соат музлаткичга қўйиш керак.



ТВОРОГЛИ ШИРИН ҚУЛЧАЛАР

Масаллиқлар: 250 гр. творог, битта тухум, 1,5 ошқошиқ шакар, беш ошқошиқ ун, туз ва истеъмол содаси бир чимдимдан.

Қиймасига: 100 гр. гилос ёки олча, 50 гр. шакар, ўсимлик мойи, қанд упаси.

1. Творог, тухум, шакар, ун, сода ва туз қўшиб хамир қорасиз.

2. Меваларнинг данагини ажратиб шакар қўшинг.

3. Хамирни кичкина зувалачаларга бўлиб, думалоқ шаклда ёясиз. Ҳар бир зуваланинг ўртасига мевалардан солиб, думалоқ шаклда букасиз.

4. Товадаги қизиб турган ёғда ширин қулчаларни тилла рангга киргунча пишириб олинг. Совғач, устидан қанд упаси селинг.



ALOQACHI LUG'ATI

(Давоми.)

Авалли ўтган сонларда)

Информатика (ru — информатика; en — informatics, information science) — 1. ЭХМ ва бошқа техника воситалари ёрдамида ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва узатиш қонунлари, усул ва услубларини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий йўналиш.

2. ЭХМга ишлов бериш ва қўллашнинг турли хил аспекти билан шуғулланидиган тартиб гуруҳлари: амалий математика, дастурлаштириш, дастурий таъминлаш, сунъий интеллект, ЭХМ архитектураси, ҳисоблаш тармоқлари.

3. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот техникаси ва технологияларини яратиб ва улардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш, ахборотни олиш, узатиш, ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш жараёнларини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган илмий-техник фаолиятни соҳаси, илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидан бири.

Ахборот инфратузилмаси (ru — инфраструктура информациона; en — information infrastructure) — 1. Ахборотга ишлов бериш ва бошқа ахборот хизматларини қўрсатиш, ахборот тизимларига сервис хизмати қўрсатиш, ходимлар ва фойдаланувчиларни ўқитиш, консултатив ва услубий ишларни ҳамда бошқа ёрдамчи фаолиятни амалга оширувчи илмий ва ишлаб чиқариш тузилмасининг мажмуи.

2. Ахборотга ишлов бериш ва таҳлил қилиш марказлари, ахборот умлашуви ва телекоммуникация каналлари, телекоммуникация линиялари, ахборотни ҳимоялаш тизимлари ва воситаларининг мажмуи.

Ахборот-коммуникация инфратузилмаси (ru — инфраструктура информациона-коммуникационная; en — information and communication infrastructure) — Худудий тақсимланган давлат ва корпоратив ахборот-ҳисоблаш тизимларидаги телекоммуникация тармоқларининг, шу жумладан телекоммуникация линиялари, маълумотларни узатиш тармоғи ва каналлари, коммутация воситалари ҳамда ахборот оқимларини бошқариш, шунингдек ташкилий тузилмалар ва уларнинг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий ва норматив механизмларнинг мажмуи.

(Давоми бор.)



Спортда омад келмаса қийин экан. Осиё Кубоги баҳслари чоракфинал учрашувида терма жамоамиздан омад очиқчасига юз ўғирди. Футболчиларимизнинг беш зарбаси 7 метрлик дарвозага бориб тушмасдан, 10 сантиметрлик устунга тегиб қайтди. Қонда асосида киритилган бир гол эса корейлик ҳакамлар томонидан ҳисобга олинмади.

Ушбу учрашув мутахассислар томонидан финалдан олдинги финал, дея баҳоланди. Шу кун иккала жамоа ҳам ўзларининг энг яхши ўйинларини намойиш этишди. Уйиннинг учинчи дақиқасидаёқ саудияликларнинг тезкор ҳужуми гол билан якуланди. Голдан кейин терма жамоамиз аъзолари тезда ўзларига келишди. Биринчи бўлимнинг қолган дақиқалари тўлиқ Ўзбекистон терма жамоаси устунлигида ўтди. Саудия Арабистони терма жамоаси вақти-вақти билан қарши ҳужумлар уюштириб турди. Ҳужумда фаоллиги билан ажралиб турган Максим Шацких зарбаларининг баъзилари ноаниқ кетган бўлса, баъзиларини рақиб дарвозабони бартараф этди. Бир вазиятда Шацких ва Жепаров комбинацияси тўпнинг дарвоза устунига тегиб қайтиши билан якуланди.

Нихоят, 28-дақиқада Шацких дарвозага тўп киритди. Бироқ футболчиларимиз ва миллионлаб футбол мухлисларининг қувончига корейлик қанот ҳаками шу заҳотиёқ нуқта қўйди. Гол киритилгунча ўйинни қузатган ҳакам, тўп дарвоза тўрига бориб тушганидан кейин ўйиндан ташқари ҳолат дея ўз байроқчасини кўтарди.

Шундан кейин ҳам терма жамоамиз ҳужум қилишда давом этди, бироқ уларга сўнгги зарбани амалга оширишда аниқлик етишмади.

Иккинчи бўлимда саудияликларнинг қарши ҳужуми яна самарали якуланди. Икки тўп фарқи билан олдинга ўтиб олган рақиб-



ОМАД КЕЛМАСА ҚИЙИН

ларимиз биров хотиржамликка берилишди. Ҳужум қилишдан тўхтамаган вакилларимиз эса охир-оқибат ўз мақсадларига эришди. Заҳирадан майдонга тушган Павел Соломин учрашувнинг 81-дақиқасида дарвоза тўсинига тегиб қайтган тўпни Ёсир ал-Мусайлим ҳимоя қилаётган дарвозага тўрилаб қўйди. Бироз вақт ўтиб, Гейрих катта саҳнага чиқди. У ҳимоячиларни моҳирлик билан алдаб ўтиб, дарвоза томон кучли зарба берди ва тўп яна устунга тегиб майдонга қайтди...

САУДИЯ АРАБИСТОНИ – ЎЗБЕКИСТОН – 2:1

Голлар: Ёсир ал-Қохтаний, 3; Аҳмад ал-Муса, 75 – Павел Соломин, 81.

Учрашувдан сўнг ҳакамлар бригадаси йўл қўйган хатолари учун терма жамоамиздан кечирим сўраган. Нима ҳам дердик, бу футбол – унда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Қолган чоракфинал учрашувлари натижалари қуйидагича:

ЭРОН – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ – 0:0 (пеналтилар бўйича – 2:4)

ИРОҚ – ВЕТНАМ – 2:0
Голлар: Юнус Маҳмуд, 2; 66.

ЯПОНИЯ – АВСТРАЛИЯ – 1:1 (пеналтилар бўйича – 4:3)

Голлар: Такахара, 72 – Алоизи, 69.

Чоршанба кун яримфинал баҳслари ўтказилди. Учрашувлар ниҳоятда муросасиз тарзда кечди. Иш-таҳа оқватланиш пайтида келади деганларидек, турнир бошланишидан олдин мухлислар томонидан қаттиқ танқид қилинган Ироқ терма жамоаси ҳам аста-секин финалга қадар етиб келди. Саудияликлар эса бу сафар Япония терма жамоасини орда қолдирди.

ИРОҚ – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ – 0:0 (пеналтилар бўйича – 4:3)

ЯПОНИЯ – САУДИЯ АРАБИСТОНИ – 2:3

Голлар: Южи Наказава, 37; Юке Абе, 53 – Ёсир ал-Қохтаний, 35, Малик Мааз, 47; 57.

Учинчи ўрин учун кечадиган баҳс 28 июл кун, финал учрашуви эса 29 июл кун бўлиб ўтади.



UNIVERSIADA-2007 SOVRINDORLARI

ТАТУнинг СПОРТЧИ МАГИСТРЛАРИ

"Универсиада-2007" баҳсларида муваффақиятли иштирок этган ТАТУ талабалари ҳақида ҳўқоқ қилишда давом этамиз. Газетамизнинг аввалиги сонларида университетнинг Фарғона филиали талабаси Оксана Почубай ҳамда Урганч филиали талабаси Мадина Бекчоновалар ҳақида ўқигансиз. Қуйида яна икки нафар талаба спортчини таништириб ўтамиз.

Спорт устаси А.Цўняк 2001 йили ТАТУга ўқишга кириб, талабаларнинг илк кўнлариданоқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий В.Изоак раҳбарлигида қўл тўпи сир-асорларини ўргана бошлади. Машғулотларга жиддий киришган А.Цўняк бир йил ичида Тошкент шаҳри терма жамоасидан мўқим ўрин эгаллади. Бухорода ўтган Универсиадада пойтахт жамоаси таркибида олтин медалга сазовор бўлди. 2003 йили спорт усталигини қўлга киритди. Самарқандда ташкил этилган "Универсиада-2004" ўйинларидан ҳам у пойтахтга олтин медал билан қайтди. Яқинда бўлиб ўтган "Универсиада-2007" ҳам омадли келди – у учинчи олтин медални қўлга киритди. А.Цўняк жорий йилда магистратурани муваффақиятли якунлаб, магистр дипломига эга бўлди.

В.Источников ҳам ТАТУдаги ўқишини 2001 йили бошлаган эди. Ёшлигидан баскетбол билан жиддий шуғулланган В.Источников ўқиш давомида ўз маҳоратини янада оширди. У баскетбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Пойтахтнинг "МХСК" жамоаси таркибида эса бир неча бор мамлакат чемпионлигига эришган. Самарқандда ўтказилган Универсиадада олтин, Тошкент шаҳри мезбонлик қилган талабалар биринчилигида қумуш медални қўлга киритди. В.Источников бакалаврлик дипломини инглиз тилида муваффақиятли ҳимоя қилгани, жорий йилда эса магистр унвонини олди.

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимиздаги "Қушбеги" спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича Тошкент шаҳри худудий-минтақавий мусобақаси давом этмоқда.

1-тур

"А" гуруҳи

ТАТУ — Матбуот тарқатувчи — 14:1
Алоқабанк — ДАИ — 11:2
ЎзТТБРМ — ФТМТМ — 1:6

"С" гуруҳи

ЎзНЕТ — Тошкент почтаами — 5:9
ЮНИТЕЛ — Алоқа коллежи — 4:7
ТТТ — ДФХ — 8:3

2-тур

"В" гуруҳи

РРТМ — Ўзбекистон почтаси — 6:1
ТошТТС — Мониторинг маркази — 6:1
ШАК — ЭМММ — 5:2

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Ҳўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси Қарабайли алоқа бўлими хабарчиси Ниетбай Қазакбаевга онаси **ДАРГУЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эътиборга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0

Реклама матнларининг тўғрилик-лиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

653-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 7905 нуска.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БЎРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

MUTOLAA

Концерт одатдагича "навбатдаги номеримизда... Келганларингизга раҳмат, ўртоқлар" билан тамом бўлди. Номичиққан ашулачи — санъаткордан бошқа ҳамма хурсанд бўлиб тарқалди. Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторчи уни саводсизликда айблади. Тракторчи танқид қилганига санъаткор асти чидай олмас эди: трактор қаёқда-ю, масалан "чорзарб" қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда!

Санъаткор уйига кетгани извошга ўтирганида яна

— Бордим... — Хизматчи икки ҳафтадан бери савод мактабиде ўқир эди.

— Хизматчиси савод мактабиде ўқиётган бир кишини тракторчи саводсиз, деса алам қилмайдими? — деди санъаткор ўзича бўғилиб, — "лабингдан бўлса олсам, э, шакарлаб", деганим у кишига ёқмапти, "бўлса" эмас, "бўса" эмиш! Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман! Сенга ўхшаган саводсизлар "бўса, бўмаса" дейди. Артист култур-

Абдулла ҚАҲҲОР

САНЪАТКОР

тутақиб кетди: "Ҳеч бўлмаса айтадиган ашулангни ўрган, сўзларини тўғри айт" эмиш! Нимасини билмайман, нимаси тўғри эмас? Мени шу вақтгача мухбирлар, ёзувчилар ҳам танқид қилган эмас, формализм, натурализмлардан ўтдим — ҳеч ким отвод бергани йўқ. Отвод бериш қаёқда, ҳеч ким мени озгига ҳам олмади. Энди бир тракторист танқид қилар эмиш!...

Санъаткор извошчини хайрон қолдириб, ўзидан ўзи гулдириб борар эди. Уйда хизматчи овқат қилиб қўйган экан, санъаткорнинг озгидан ҳеч нарса ўтмади — икки пиёла чай ичди, холос. Унга туриб-туриб нашъа қилар эди: "Ашулани меҳалистик айтар эмишман! Товушим ёмон бўлса нега пластинкага олди? Танқид деганига энди бу кишининг ҳам танқид қилгилари келипти... Амали тракторист... Оббо!..."

— Ўқишга бордингизми? — деди хизматчига қовоғини солиб.

ний одам — гапни адабий қилиб айтади — "бўлса - бўлмаса" дейди. Пожарни "гугуртни ерга ташламанг" деди, режиссёримиз эса "гугуртнинг ерга ташламанг" деди. Қандай чиройлик! Пожарними, пожарингми? Шошма, нима учун пожарни? Пожарни, албатта! Режиссёримиз жуда културний одам. Одам деган мана шундай бўлса, урушса ҳам хафа бўлмайди киши — икки гапнинг бирида "таъбир жоиз кўрилса" деб туради. Бу тракторист менга шунча дашном бериб, кўнгил учун бир марта "таъбир жоиз кўрилса" демади.

Хизматчи дафтар-қалам келтириб, санъаткорнинг олдига қўйди.

— "ж" нинг каттаси қандай ёзилар эди? Домламиз бир куни кўрсатган эди, эсимда қолмапти.

Санъаткорнинг жаҳли чиқди:

— Энди "ж"га келдингизми? Баржом деганда ёзилади.



Кечаги баржом озги очик қолипти, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат. Сиз ҳам дунёга келиб културний бўлсангиз-чи!.. Бурнингиз терлади, артинг, таъбир жоиз кўрилса!

Санъаткор ўрнидан туриб ётоққа кириб кетди.

— Ётасизми? — деди хизматчи нариги уйдан.

— Нима эди?

— "ж"нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. Қанақа ёзилади?

— Кичигини ёзиб қаттиқроқ ўқинг!

Санъаткор ечиниб кўрпага кирди. Хизматчи чироқни ўчириб чиқди. Санъаткор кўзини юмди, кўзига ғира-шира қоронғу залдаги сон-саноксиз каллалар эдилар. Булар ичида энг каттаси трактористнинг калласи, у илжар эди.

— Афтинг курсин! — деди санъаткор ва нариги ёнбошига ағдарилди.

Ҳаял ўтмай уйкуга кетиб хуррак отди. Унинг хурраги ҳам нечудир адабийроқ эди: "Плуқ-қум-прр... плуқ-қум-прр..."

1936 йил

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон иқтисодийотидаги энг янги ютуқлар" почта маркалари туркуми. 2001 йил. 24 август.

349, 350. Бир купонли

2 почта маркаси.

Т.Заргаров дизайни.

Ф.Қурбонбоев фотоси.

Олтин қазиб олиш саноатига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароксимон. Адади 20,0 минг нусхадан. Варақда 4 марка, 2 купон мавжуд. Маркалар горизонтал ҳолатда жойлашган занжир кўринишида босилган.



349. "Олтин" почта маркаси.

350. "Мурунтау олтин кони" почта маркаси.

351-358. Купонли почта маркалари.

Т.Заргаров дизайни.

В.Ковреин фотоси.

Нефт ва газ қазиб олиш ҳамда энергетика саноатига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Перфорацияси тароксимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



351. "Шўртангазкимё мажмуаси" почта маркаси.

352. "Шўртангазкимё мажмуаси" почта маркаси.

351, 352 маркалар горизонтал жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Маркалар ўлчами 42x30 мм. Варақда 4 марка, 2 купон бор.



353. "Шўртаннефтваз" корхонаси" купонли почта маркаси.

354. "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" купонли почта маркаси.



355. "Муборак газни қайта ишлаш заводи" купонли почта маркаси.

356. "Қувур ётқиизиш" купонли почта маркаси.



357. "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" купонли почта маркаси.



358. "Электрэнергетика" купонли почта маркаси.

ОБУНА — 2007

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Xabar»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

Маброрак келибди!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали жамоаси шаҳар цехи ходими Орзу ЖУРАҚУЛОВНИ 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлари камолини кўриб юришни тилаб қолади.

"Фарғона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри Солижон ТОШМАТОВНИ 50 ёшга тулиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга сихат-саломатлик, узоқ умр, хонадонидан тинчлик-осойишталик, файз-барака аримаслигини тилайди.

ТҲЙГА ТҲЁНА БИЛАН

Марғилон шаҳрининг бугун гўзал ва янада жозибадор чирой касб этишига алоқачилар ҳам муносиб хисса қўшдилар. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида Марғилон телекоммуникациялар боғламаси жамоасининг меҳнати таҳсинга сазовор бўлди.

